



Ўраб гафлат (Ражойй мухаммаси)



Ўраб гафлат, ўтиб бехуда умрим, журму исёнман,
Менингдек бўлмасин ҳеч ким жаҳонда айбу нуксонман,
На бўлгай оқибат холим гамида жисми бежонман,
Билолмам, на бўлур холим, кетар вақтида хайронман,
Қариб қувват бадандин кетди, энди минг пушаймонман.

Эгилмай, роҳи ростга юрибман пурхато ичра,
Вафосизлар билан бўлдим, ҳамиша ҳар жафо ичра,

Йигитлик нашъаси кетди, эсиз, бу норасо ичра,
Савобдин зарра йўк, килмишларим фиску гунох ичра,
Гурури ёшлигим бўлди, юриб хар кўча сарсонман.

Йигитлик кетди илкимдан, кўлимда зарра тоат йўк,
Кетарни ўйламай ҳеч, менда бир фахму фаросат йўк,
Якинлашди ажал, ушларга бермас, эмди фурсат йўк,
Ибодатга бўлолмайдиган рост, белим, илкимда кувват йўк,
Кетиб бормокда кўз нури, кўролмайдиган яхши Куръонман.

Алам келганда бошга, хатога тавба айларман,
Кечиргайсан гуноҳим, деб Ўзига тавба айларман,
Қачон беморлик вақти, Худога тавба айларман,
Кечиргайсан гуноҳим, деб Ўзига тавба айларман,
Согайганда унутиб тавбама ни аҳдимни бузгонман.

Омонатдур танангда жон, Ражойи, бил ганиматдур,
Килур парвоз оғох бўл, кафасдин жой мухлатдур,
Борур жойингни обод эт, валекин «вой» гурбатдур,
Надомат кил гуноҳингга, сахар-тонгчоги, фурсатдур,
Мухаммад (с.а.в.) умматига ваъдаи Хак рост, билгонман.

Шарх: Ўраб гафлат...

Ё Аллоҳи Карим! Умрим турли гуноҳлар, сонсиз исёнлар ичра беҳуда ўтиб бормокда.
Айбу нуқсонларим шу қадар кўпки, бошқа бировнингмендек бўлишини асло истамайман.
«Бу юришим оқибати нима бўлар экан?», — деб жисмимда жон ўртанади. Зотан, кетар
оним якинлашмоқда. Сўнгги пушаймондан эса фойда йўк. Тўғри йўл қолиб, хатолар
йўлида сарсон кездим. Дўстларим бевафою беорлар бўлди. Улардан яхшилик эмас,
жафокорлик дарсини олдим. Умр ўтди, йигитлик айёми ҳазонга айланди. Норасолар
ичра савобни унутдим, гуноҳу фосикликка кўнгил бердим. Ёшлиқ гурурига алдандим.
Йигитлик мени тарк этганда ҳам кўзим очилмади. Ибодат сандигим бўм-бўш қолаверди.
Умринг чегараси борлигини англашга фахм-фаросатим етмади. Ажал шарпаси
теграмда кеза бошлади. Фурсат менга думини тутказмади. Қартайган вужудим рукуъ ва
саждага ярамай қолди. Кўлларимда қалтирок пайдо бўлди. Куръон тиловат этай десам,
кўзларимда нур йўк, уни дунё жамолига қурбон этибман. Эй Худойим! Энди сўнгги
лаҳзаларим якинлашаётганини англаб, ўтган хатоларимга тавба этарман. Гуноҳларимга
истиғфор сўраб Ўзингга юзланарман. Беморлик мени енга бошлаган сайин тавбаларим
қучайиб борар. Аммо мен гофил бандога соғлик, қуч-қувват ато этсанг, билмайманки,
Сенга берган аҳду паймонимда собит қоламанми ё йўқми?! Эй Ражойи, танангда ушлаб
турган шу жонинг омонат эканидан гофил бўлма. Вужуд қасми жонинг бир лаҳзалик
масканидир. У хар вақтда вужуд қасмини синдириб, парвоз этиши, сени абадийга тарк
этиши шубҳасиз. Шунини тўғри англа, охирадаги масканинг гурбату «дод-вой»га тўлмасин
десанг, бугун кўлингга бўлган имкондан фойдаланиб қол. Сахар уйқусидан воз қеч ва
тавба қаломидан тилу дилингга банд қол. Фурсат ганимат. Аллоҳ тавбаларни қабул
этувчидир. Унинг Мухаммад (с.а.в.) умматларига берган ваъдаси ҳақдир.

Рахматуллох Носирнинг
"Соз билан суҳбат" китобидан